



...Хамадон томон юриш бошланиб, жанг кизгин паллага кирганда ибн Синонинг дарди яна кайталаб, мадори кочди. Улуг хаким энди кучдан колганини ва касалликни даф килолмаслигини англаб, ўзини-ўзи даволашни тўхтатди...

Тиб илмининг энг юкори чўккисига чиккан ибн Сино ўз фаолияти давомида минглаб беморларни даволаган, жуда кўп беморларни ўлим исканжасидан олиб колган бўлса-да, ўзига келганда ожизлик килди...Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллох ибн Али ибн Сино гарчи Бухоронинг кичиккина Афшона кишлогида тугилган бўлса-да, вақт ўтиб унинг довруги оламини тутди. Асли Хоразмлик бўлган ва Бухорода яшаб ижод килаётган ан-Нотилийга шогирд тушиши унинг ибн Сино бўлиб доврук таратишига сабаб бўлди. У хатто устозидан ҳам ўзиб кетди. Бу хакида хакимнинг ўзи: «Нотилий кайси масалаларни

мендан сўрамасин, мен у масалани ундан кўра дурустрок тасаввур килардим. Нихоят ундан мантикнинг юзаки масалаларини ўқидим, лекин мантикнинг нозик томонлари унга номаълум эди», дея ёзганди.

Ибн Сино гарчи Бухоро амири Нух ибн Мансурни даволаб, катта эъзозу эҳтиромга сазовор бўлган бўлса-да, Сомонийлар давлати кулаб, Бухорои шарифни Коррахонийлар эгаллагач, 1005 йилда Хоразмга келади. Шу тарика у давр талотўплари ва сиёсий ўзгаришлар боис илму ижод учун тинч ва барқарор ҳаётни истаб, 1012-1014 йилларда Журжонда, 1014 йили Райда, 1015-1023 йилларда Хамадон ва сўнгра Исфahонда мухожирликда яшади. Ибн Сино кўп йиллар мусофирликда ҳаёт кечирган бўлса-да, оддий халк вакиллари-ю ҳукмдорларни бирдек даволагани учун юксак эътибор топиб, эъзоз ва ҳурматга сазовор бўлди.

Давр талотўплари ва сиёсий фитналар боис муттасил кўчиб юргани, турли хил касалликларни даволаш, тажрибалар ўтказиш, тахлиллар асосида асарлар ёзиш учун кўп тунларни уйқусиз ўтказгани сабабли, мутафаккир ҳакимга роҳату фарогат ёт эди. Хатто Хамадонда яшаётганида фитна туфайли амир аскарлари ибн Синонинг уйига бостириб кириб, молу мулкани талон-тарож қиладилар ва амир Шамсуддавлдан буюк ҳакимни ўлдиришни талаб этадилар. Натижада, вазият ўнгангунича ибн Сино ибн Дахнух деган кишининг уйида қирк кун яшириниб ётишга мажбур бўлади. Бошқа бир сафар эса (яна сарой ўйинлари боис) ибн Сино Фараджон қалъасида маълум муддат қамалиб ҳам ётади. Буларнинг бари улуг ҳакимнинг соғлигига салбий таъсир ўтказмай қолмаган...

1035 йилда Исфahон амири Алоуддавла билан Тошфаррош ўртасида уруш бўлиб турган паллада ибн Синони қаттиқ санчик тутиб қолади. Буюк ҳаким тезда ўзини даволашга киришиб, қунига саккиз марталаб ўзига ўзи ҳукна (қлизма) қила бошлайди. Жанг бўлиб турган шаҳарда осойишталик бўлармиди! Даволаниш учун қулай бўлмаган жойларда қилинган ҳукна натижасида ибн Синонинг ичаклари яллигланиб кетади.

Ўз соғлигини ўйлаб ибн Синони ҳамиша ёнида олиб юрадиган амир Алоуддавла ҳакимнинг касаллигига бепарво қарайди, ибн Синони бетоб ҳолида ҳам икки йил давомида ўз сафарларида бирга юришга мажбур қилади. Бу вақт ичида ҳакимнинг дарди қучайиб кетган, ичаклардаги ўткир яллигланиш натижасида санчик ва оғриқлар зўрайиб, ахволи анча ёмонлашган эди. Ибн Сино зўр бериб ўзини даволашга уринади, аммо...

Ал-Жузжоний шундай ёзиб қолдирган: «...Хатто бир гал ҳукна қилинадиган нарса ичига икки дона қарафс уруги аралаштиришни буюрди. Бу билан у санчик пайтида пайдо бўладиган қорин дам бўлишини йўқ қилмоқчи бўлганди. Уни даволаётган табиблардан бири ҳукнага ишлатиладиган аралашмага қарафс уругининг беш дирхам вазндагисини солиб юборибди. Бу табиб даво асносида атайлаб шундай қилдими ё янглишиб қолиб дорини кўп солиб юбордими - буни мен билолмадим, чунки бу иш бажарилаётган пайтда иш устида бўлмаган эдим...»

Бу «янглишиш» буюк ҳакимнинг дардини зўрайтириб юборди, унинг ахволи янада оғирлашди. Шунда ҳам соғайишдан умиди сўнмаган ибн Сино ўзини даволашга зўр бериб интилар, аммо табобат қоидаларига ҳар қанча риоя қилиб яшаган бўлмасин, қочқинлик ва қамокда қечган йиллар, тинимсиз меҳнат, ижод туфайли тунни тонгга улашлар натижасидаги уйқусизлик, ҳасадгўйларнинг қирдикорлари туфайли тортилган азоб ва толиқишлар унга салбий таъсир ўтказиб бўлганди.

Ал-Жузжонийнинг ёзишича, ибн Сино касал бўлиб ётган ўша кезларда унинг

хизматкорларидан бири ичиладиган дорига кўп микдорда афюн кўшиб беради. Буни ибн Сино сезмай ҳам қолади. Бу ҳолатнинг сабабини Абу Убайд ал-Жузжоний шундай изоҳлайди: «...Бундай хиёнатнинг сабаби - ўша хизматкорнинг ибн Синога тегишли анчагина маблағни ўмарганида эди. Агар у тузалиб кетгудай бўлса, хизматкор ўз қилмишининг ошқор бўлишини ва оқибатда жазоланишини билиб, буюк ҳақимнинг ўлишини истаган эди».

Афюндан сўнг аҳоли беҳад огирлашган ибн Синони Хамадонга олиб келадилар. Куланж ва тутканок тутиши натижасида аҳоли баттар огирлашиб бораётган ҳақим барибир яшашдан умидини узмаган, ўзини ўзи даволашга уринар, бу муолажалар таъсир қилиб ҳоҳида анча тетиклашиб қолар, баъзида эса ҳатто ўрнидан туришга ҳам мажбур қилмасди. Нихоят, у бутунлай қучдан қолганини ва қасалликни даф қилолмаслигини англаб, ўзини-ўзи даволашни тўхтатди.

Жузжонийнинг ёзишига кўра, ибн Сино: «...Энди бундан буён муолажа фойда бермайди», деган... Тиб илмининг султони, буюк мутафаккир аллома ибн Сино ҳазратлари 1037 йил рамазон ойининг биринчи жумасида - 24 июн куни Хамадон шаҳрида вафот этди. Ўшанда у бор-йўғи 56 ёшда эди.

Муаллиф: Умид БЕКМУХАММАД